

Ноумид бўлманг! Мушибат пайтида муслмонларга маслаҳатлар



20:49 / 10.06.2018 4976

Муслмонларнинг ҳозирги аҳволи етарлича тушкунлик ва умидсизликни чақириши мумкин. Минглаб кишиларнинг урушлардан, очликдан, оммавий қатллардан, зулмлардан ҳалок бўлиши муқаррардек гўё, лекин биз адолат ҳимояси ва унинг кенг тарқалиши учун қўлимиздан келган барча имкониятларни сафарбар этишда давом этишимиз лозим. Муқаддас Куръон ва покиза Суннат қийинчилик вақтида умматларга қандай ёрдам бериш ҳақида бизларга маслаҳатлар беради.

1. Аллоҳга умид қилишлик. Эсингизда бўлсин, Аллоҳ барча бўлаётган ҳодисаларни назоратидадир, у бандаси кутмаган жойдан кўмак берувчидир. Ҳеч қандай буюк ҳукмрон давлат ҳам Унга бас келолмайди.
2. Аллоҳни зикр қилинг! Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадиларки:
«Аллоҳни зикр қилинг ва Уни олдингизда топасиз...Сенга зарар етказиш учун гарчи барча инсонлар тўплансалар ҳам, Аллоҳ тақдир қилсагина зарар етказа олурлар.»
3. Дуо қилинг. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, дуо – мўъминнинг қуролидир. Фаластин, Сурия, Бирмадаги, барча-барча

жабр-зулмда бўлган мусулмонлар ҳаққига дуо қилинг. Аллоҳдан уларнинг азоб-уқубатларини енгиллатишни сўранг. Барча оила аъзоларингиз билан дуо қилиб сўранг.

4. Бойлигингиздан эҳсон қилинг. Жабрдийда мусулмонлар номидан садақа қилинг. Ҳаттоки у бир бурда нон ёки бир коса сут бўлса ҳам. Муҳтожлар учун ўзингиздаги ортиқча буюмлардан, таом ва кийимлардан воз кечинг.

5. Нафл ибодатларга ғайрат қилинг. Бир муборак ҳадисда Аллоҳ таоло нафл ибодатлар қилувчилар ҳақида шундай дейди:

«...Нимаики у (бандам) Мендан сўраса, Мен унга бераман»

6. Рўза тутинг. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, Аллоҳ уч кишининг дуосини шубҳасиз ижобат қилади, улар ичида кун ботгунга қадар рўза тутганнинг дуоси ҳам бор.

7. Расулуллоҳнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам мана бу илтижолари билан Аллоҳдан ёрдам сўранг: «Ҳасбуналлоҳи ва неъмал вакил» (Аллоҳнинг ўзи кифоядир ва У – энг яхши Сақловчидир), «Лаа илааҳа илла Анта субҳаанака инний кунту мин аз-зоолимийн» (Сендан бошқа илоҳ йўқ, Сен поксан, (ҳақиқатда эса) мен золимлардан бўлдим).

8. Довуд алайҳиссалом ва Жолут ибратли воқеаларини эсланг:

«...Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келган. Аллоҳ сабрлилар биландир», дедилар.

Жолут ва унинг аскарларига рўбарў келганларида: «Роббимиз, бизга сабр тўккин, собитқадам қилгин ва кофир қавмларга қарши нусрат бергин», дедилар.» (Бақара сураси, 249-250 оятлардан)

Ихтиёржон Пўлатов таржимаси